

ЗАМОНАВИЙ ДАВР КИНОКОМЕДИЯЛАРИНИНГ БАДИЙ ВА ҒОЯВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Муҳайё Мухторова

ЎзР ФА Санъатишунослик институти

Таянч докторанти

(Жаҳонгир Ахмедов фильмлари мисолида)

Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик даврининг охириги йилларида суратга олинган комедия жанридаги фильмлар борасида сўз юритилади. Унда режиссёр Жаҳонгир Ахмедовнинг кинокомедиялари - “Тундан тонггача”(1-2) ҳамда “Тилим курсин”(1-2) фильмлари ўзаро узвийликда ҳамда қиёсий таҳлил этилиб, фильмларнинг бадий ҳамда ғоявий хусусиятлари, ижодий компонентларнинг ютуқлари ҳамда бугунги кинематографиямизда тутган ўрни борасида муҳим фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: кинематография, комедия, жанр, режиссёр, актёр, сценарист, кулгу, фильм, миллий колорит, халқона қаҳрамон

ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ И ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ КИНОКОМЕДИЙ СОВРЕМЕННОГО ПЕРИОДА

Аннотация: в данной статье речь идет о фильмах комедийного жанра, снятых в последние годы независимости. В нем фильмы режиссера Джахангира Ахмедова – “С ночи до утра” (1-2) и “Пусть отсохнет мой язык!” (1-2) были проанализированы гармонично и сравнительно, высказаны важные мысли о художественных и идеологических особенностях фильмов, достижениях творческих составляющих и их роли в современном кинематографе.

Ключевые слова: кинематография, комедия, жанр, режиссер, актер, сценарист, смех, фильм, национальный колорит, народный герой

ARTISTIC AND IDEOLOGICAL FEATURES OF THE COMEDIES OF THE MODERN PERIOD

Annotation: this article refers to films of the comedy genre, which were shot in the last years of the independence. In it, the films of director Jahongir Akhmedov – “ from night to morning” (1-2) and “Let my tongue wither” (1-2) were analyzed in harmony and comparative, expressed important thoughts on artistic and ideological features of films, achievements of creative components and their role in today's cinematography.

Keywords: cinematography, comedy, genre, director, actor, screenwriter, laughter, film, national colorite, folk hero

Комедия қадимдан ривожланган бўлиб, бугунги кунда жанр сифатида кинонинг ажралмас бўлагига айланиб улгурди. Хусусан, ўзбек киносининг бугунига назар ташланса, суратга олинаётган фильмларнинг аксарият қисмини комедик фильмлар ташкил этади.

Комедия ўз олдига ижтимоий ҳаётдаги нуқсонлар, кишиларнинг онги ва характеридаги ярамас хусусиятларни кулги воситаси билан танқид этиш, жамият ҳаётидаги эскириб қолган ҳодисаларга зарба бериш, ҳаётнинг ривожланиш қонуни олдида умри тугаган нарсалар, сарқитларни кулгили аҳволда оммага намоиш этиш васифасини қўяди.

Мустақиллик даври киносига назар солсак Ёлқин Тўйчиев, Абдувоҳид Ғаниев, Рустам Саъдиев, Жасур Шаметов, Фарид Давлетшин, Санжар Шодиев, Баҳром Ёқубов, Санжар Маткаримов, Алишер Узоқов, Жаҳонгир Аҳмедов, Жавлон Шодмонов каби бир қатор ижодкорларнинг комедик фильмлар борасида тажрибаларга қўл урганлигини кўриш мумкин. Бу фильмлар Мустақилликка қадар суратга олинган фильмлардан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади. Биринчидан, мавжуд муаммони кишилар характериға кўчиб ўтиши, экранда ҳаётнинг айнан олиб кўрсатилиши ва буни очиқ танқид қилиниши, иккинчидан мустақиллик даврида қоришиқ комедияларнинг ривожланиши, учинчидан нодавлат фильмларининг юзага келишидир.

Хусусан Жаҳонгир Аҳмедовнинг “Уйланиш” (2009), “Тундан тонгача” (2010), “Олинг қуда, беринг қуда” (2011), “Тундан тонгача ... давом этади”(2012), “Тилим курсин” (2013), “Ана холос” (2014), “Тилим курсин 2” (2015) каби комедиялари шундай тажрибаларнинг давоми бўлди дейиш мумкин. Шунингдек, режиссёр ўз фильмларида аввалги йиллардаги комедиялардан бироз фарқли равишда кундалик ҳаётимизда учраб турувчи воқеаларни кулгили ракурсларда кўрсатиб ўта олди.

Жумладан, “Тундан тонгача” фильмида режиссёр ҳар бир ёш келин ҳаётида содир бўлувчи “бошқоронғуликда егиси келган таомни излаш” ҳодисасини комик воқеалар ва саргузаштларга бойитиб, томошабинларга тақдим этди. Шаҳзода Муҳаммедова ва Алишер Узоқов тандеми фильмда тажрибасиз, бироз думбул ёш оила кайфиятини бера олди. Зилола (Шаҳзода Муҳаммедова ижросида) ҳам ўз оиласида эрка ўсган фарзанд. Умиджон (Алишер Узоқов ижросида) ҳам шундай оиладаги ягона эрка фарзанд. Улар характеридаги шу ўжарлик боис тунги “томошалар” бошланади. Актриса Шаҳзода Муҳаммедованинг фильмдаги ижросида бироз табиийлик етишмаган бўлишига қарамасдан, бу фильм яхлитлигида кўзга ташланмаган.

Гарчи оиланинг катталари ҳам ҳазилкаш, шу билан бирга, ўз фарзандини ҳаммадан кўра яхши деб баҳоласа-да, ёш оиланинг фильм сўнггида пароканда бўлмаслиги қувонарли. Зеро, ҳаётда шу вазиятга тушган кўплаб оилалар ажримгача боришади.

Бу фильмнинг мантикий давоми сифатида 2012 йилда “Тундан тонгача... давом этади” картинаси экранларга чиқди. Гарчи актёрлар ансамбли деярли ўзгармаган бўлса-да, сюжетнинг қисман такрорий эканлиги боис аввалги фильм муваффақиятини такрорлай олмади.

Хусусий кинодаги бош омил касса экани, шу билангина улар мавжуд бўлиш масаласини ҳал қилиши, бу каби субъектларнинг комедия воситасида даромад кўришга интилишларини кучайтирди. Бир томондан, бу уларнинг шахсий ва бадий ҳукуки. Бироқ фақатгина кассани ўйлаб олинган комедиянинг жанр талаблари тўлиқ бажарилмайди. Балки томошабиннинг диди ортидан қувиш уларни бачканаликка олиб келади. Бундан ташқари, ўта маиший масалалар билан ўралашиб қолиш хавфи каттадир. Жаҳонгир Аҳмедов кейинги фильмларида айнан шу жиҳатларни четлаб ўта олди.

Унинг 2013 йил фантастик комедия жанрида суратга олинган “Тилим курсин” фильмида айрим кишилар табиатидаги қусурлар, иллатлар экранга олиб чиқилиб, шундай тубан кишиларга ойна тутати. Зеро, рост сўзлатувчи чой аслида мавжуд бўлмаса-да, бироқ шу йўл билан режиссёр бугунги кундаги айрим “усталар”нинг кирдикорларини, баъзи совчиларнинг мақсадларини очиб, томошабинларга эҳтиёт бўлиш керак эканлигини кулгули воқеалар, аскиянамо диалоглар билан сингдиради. Айтиб ўтиш мумкинки, комик ҳолатларнинг аксарият қисми шу чой аломатларига қурилган.

Мурод ака (Матёқуб Матчонов ижросида) ёлғиз фарзандининг тўйини кўриш умидида ҳовлисини кенгайтириш ишларини бошлаб юборган, аммо негадир ишлар олдинга силжий демайди. Бу ёқда эса совчилар кети узилмайди. Қизи Лола (Севара Солиева ижросида) эса келган совчиларни рад этаверади. Фильм сюжети оддийгина, ҳаётини воқеалар бўлишига қарамасдан, актёрлар ансамблининг тўғри танланганлиги, комедик вазиятларнинг ҳаётдан олинганлиги, диалогларда ўзига хос миллийликдан унумли фойдаланилганлиги фильмнинг томошабинлар кўнглидан жой олишига хизмат қилади. Хусусан, хотини (Шоҳида Узоқова ижросида)нинг аломат чойни ичгандан сўнг юздаги ўзгариш, характердаги аёлларга хос айёрона табассум актрисанинг ижро маҳоратини очиб беради. Ёки шу чойни ичгандан сўнг Муҳаммадисо Абдулхаировнинг, Севара Солиеванинг, қўшнисининг, келган совчиларнинг ўзгариши образларни ижро этишда маҳорат билан ёндашилганлигини кўрсатади.

Шунингдек, ҳар бир образ учун танлаб олинган диалоглар ҳам характерларни очиб беришга тўлиқ хизмат қилган. Хусусан, усталарнинг “Ҳар квадрат метридан 2 миллиондан даромад қилдим. Стяжкани таги шағал деб ўйлайсизми, ахлат!” ёки куёвликка номзод Раҳимнинг “Икки марта қамалганман. Одам ўлдиргандан кейин қамаладиде. Иккинчи хотиним билан наркоманлигим учун ажрашганман” каби сўзлари аслида дахшатли ҳақиқатларни очиб бераётган бўлса-да, бироқ комик ҳолатлар ва ҳаракатлар билан суғорилганлиги учун томошабинда табиий кулгуни уйғотади.

Фильмда баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Мурод аканинг ертўлага бешик излаб тушганда анча вақт кўзи билан қидириши ва бешикнинг рўпарасида шифтга илиниб турганлиги ёки ўзбек хонадонларига мос бўлмаган тарзда бешикнинг очиқ ҳолда илиб қўйилганлиги ёки “бешикка илинган халтача қани экан-а?..” деб излаши ва у ҳам шундай кўриниб турганлиги каби жузъий камчиликлар кузатилса-да, бироқ фильмда илгари сурилган ғоя жуда қадрли. Ҳар қандай эгри иш учун қачон бўлса-да, албатта жавоб бериш, ҳар қандай қинғир ишнинг жазоси ҳам бор экани, Оллоҳнинг ҳар қандай мушкулнинг охирини хайрли қилиб бериши каби фикрлар фильмнинг томошабинларга янада қадрдон бўлишига хизмат қилган.

“Жанрий ўзига хослик ва образли эмоционал моҳиятнинг шаклланиб бориши натижасида бадий кинонинг ривожланиш жараёни ҳам ўзгариб борди. Бундай услуб, мазмун ва дунёқарашдаги эврилишлар сабаблари кўп жиҳатдан ижтимоий-тарихий хусусиятлар билан боғлиқ эди.”¹ Жаҳонгир Аҳмедов комедиялари мана шу талабларни оқлай олди ва томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Сўнги йилларда кинокомедиялар яратишга бўлган уринишлар кўп бўлса-да, аммо бачкана ва савиясиз фильмлар сони ҳам ортиб кетганлиги биров қайғули. Бунга кўплаб омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Хусусан, комедия жанридаги сценарийларнинг йўқлиги (Рихсивой Мухаммаджонов ва Шоира Ғиёсовадан бошқа кўзга кўринган комедия жанрида сценарий ёза оладиган ёзувчиларнинг йўқлиги), режиссёрларнинг жанр талабларини етарлича билмаслиги, хорижий кинокомедияларга бўлган кўр-кўрона тақлид ҳамда касса масаласининг биринчи планга чиқиб қолганлигидир. Шунингдек, асосий эътибор тарихий ва ўткир сюжетли фильмларга қаратилиб, ўзбек киносига юқори савиядаги комедиялар сони камайганлиги, бу ўзбек киносига бадий кинонинг жанрий хилма-хиллиги ва баланси сақланмаётганлиги ҳамда жанрлар ривожига тўлақонли акс этмаётганлигини кўрсатувчи муаммолардан бири бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абикеева Г. Кино Центральной Азии. – Алма Ата.: ВГИК им.
2. С.А.Герасимова. 2001. - 215 с.Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Тошкент.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2009. - 98 б.
3. Каримова Н. Игровой кинематограф Узбекистана. – Ташкент.: Издательство журнала “San’at”. 2016. -215 с.
4. Каримова Н. Ўзбек миллий киносининг янги уфқлари // San’at. – 2016. – № 2. – Б. 37 – 41.
5. Михайлов В. Меня обратили к комедии // Кино. – 1975. – № 11. – Б. 11.
6. Полякова Т. Комедии Узбекских кинематографистов // Кино. – 1968. – № 5. – Б. 6 – 13.

¹ Н.Ғ.Каримова “Ўзбекистон бадий кинематографиянинг шаклланиши ва тараққиёти” диссертацияси автореферати. 19-бет. (108 б.) Т-2019 й.